

Олий Мажлис XV сессияси олдидан

Мамлакатимиз парламентининг навбатдаги сессиясида бир қанча масалалар кўриб чиқиши назарда тутилмоқда. Жумладан, "Экспорт назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда ҳамда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси янги тахрирда муҳокамага киритилади. Мазкур қонунлар лойиҳаларига кенг жамоатчилик томонидан фикр ва мулоҳазалар билдириляпти. Демак, сўз — ҳамюртларимизга!

Ҳар бири миз масъул миз

Фахриддин ТҮЙЧИЕВ, ҳарбий қисм командирининг шахсий таркиби билан ишлаш бўйича ўринбосари ёрдамчиси, капитан (Тошкент шаҳри):

— Маълумки, мамлакатимизда қурол-яроғ, ҳарбий техника ва технологияларга нисбатан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда экспорт назорати тизими фаолият кўрсатмоқда. Ушбу назоратни миллий қонун ҳужжатлари киритишдан мақсад — ялпи киргиз қуроллари тарқалишининг олдини олиш, халқаро ва миллий хавфсизликни таъминлашдан иборатдир. Демакки,

қонунни қабул қилишга эҳтиёж бор. Бу ҳужжат мамлакатда тинчлик, осойишталик ҳукм суриши, умуман олганда, фуқароларнинг хавфсизлиги мустақамланишига ёрдам беради. Зеро, ўтаётган кунимизнинг фаровонлиги учун нафақат тинчлик посбонлари, балки ҳар бири миз масъул бўлишимиз талаб этилади.

Эрғаш МАМАЗОИТОВ, фермер (Сурхондарё вилояти):

— Кейинги пайтларда мамлакатимизда фермерларга, тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Бундан фойдалан-

ганлар ҳам бор, фойдаланмаганлар ҳам. Мен мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ширкат хўжалигидан ер олиб, оилам билан меҳнат қилдим. Натижаси ёмон бўлмади. Аста-секин оила аъзоларим ёнига ҳамқишлоқларим ҳам қўшилди. Каттагина жамоага айландик.

Депутатлар муҳокама-сига киритилаётган "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги (янги тахрирда) қонун лойиҳаси фермер хўжалиқларининг истиқболини белгилаб беради, деб умид қилаялмиш. Негаки, бугун фермерларни ким ҳимоя қилади, деган саволга кўплар қатори мен

ҳам иш фаолиятим давомида кўп бор дуч келдим. Ушбу қонун лойиҳаси муҳокама-сига чоғида бизнинг ҳақ-хуқуқларимизга дахлдор масалалар атрофида кўриб чиқишига ишончим комил.

Абдураҳмон ШОДМОНОВ, "Сарой" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси (Қашқадарё вилояти):

— Республикаимизда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш борасида бир қатор муҳим вазифалар белгиланаяпти. Янги қонунлар қабул қилинаёпти. Бу, албатта, бугунги, эртанги кунимиз фаровон бўлишига хизмат қилади. Олий Маж-

лиснинг XV сессияси кун тартибига "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатларининг мақоми тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг киритилиши биз сайлайдиган халқ вакилининг ваколатларини ҳам белгилаб беради, деб ўйлаймиш.

Депутатликка ким сайланади? Албатта, халқ ишонган, фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя эта оладиган, инсонларнинг ўзига бўлган ишончини оқлашга интиладиганлар сайланади. Биз ҳам ана шу сиёсий жараёнларга катта тайёргарлик кўраялмиш. Жойларда йиғилишлар ўтказаялмиш.

Фикрлардан англашадимики, ҳамюртларимизнинг иккинчи қақирғи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясида кўриб чиқиладиган масалаларга қизиқиши тобора ортмоқда. Улар мамлакатимизда адолатли демократик жамият барпо этиш йўлида қабул қилинадиган қонунлар лойиҳаларига нисбатан фикр-мулоҳазалар билдиришга, жўли таклифлар киритишга тайёрлар.

"Халқ сўзи" мухбири Зиёда АШУРОВА ёзиб олди.

Кексалар эъзозда

Ўзбек халқида азалдан кексаларни қадрлаш, уларга ҳурмат кўрсатишга катта эътибор берилган. Яқинда Қибрай тумани «Янгиобод» қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан уюштирилган тадбир бунинг исботидир. Меҳр ва муруват билан муносабат билан бир гуруҳ отахон ва онахонлар, уруш ва меҳнат фахрийлари Қибрай тумани «Янгиобод» қишлоқ фуқаролар йиғини сўлим гўшаларидан бирига таклиф қилинди. Тўқин дастурхон атрофида йиғилган фахрийлар маданий ҳордиқ чикариш билан бирга дилдан сўхбат қурдилар.

Таъкидлаб ўтиш керакки, туманда мавжуд барча қишлоқ фуқаролар йиғинларида бундай тадбирларни мунтазам ўтказиш аънаъанага айланган.

Камола МИРЗААҲМЕТОВА.

Сайлов қонунчилигини биласизми?

Муносиблар номзодликка танланади

— Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш мuddати қандай?

— Бу жараён сайловга олти беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирк беш кун қолганда тугайди.

— Янги тахрирдаги Қонунга кўра, депутатликка номзодлар кўрсатиш қиларга тегишли?

— Ўзингизга маълум, авваллари ҳокимият вакиллик органлари ҳам Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодлар кўрсатиши мумкин эди. Эндиликда бундай ҳуқуққа фақат сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар.

Бинобарин, парламентнинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилса, маҳаллий Кенгашларга депутатликка номзодларни сиёсий партияларнинг тегишли органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари олға сурадилар. Бу конституциявий норма кўппартиявийлик шартини таъминлаш асосида ўтказиладиган сайловлардаги рақобатни янада кучайтиради. Сиёсий партияларнинг жамиятимиз ҳаётидаги мавқени оширади. Бундан ташқари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг сайловдаги фаоллигини юксалтиришга, ҳамюртларимизнинг сиёсий оғи ва ҳуқуқий маданиятини ўсишига хизмат қилади.

— Сайлаш ҳуқуқига эга фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун нима қилишлари керак?

— Улар тегишли сайлов округининг камида юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузишлари мумкин. Сўнгра ушбу гуруҳнинг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг фамилияси, ўзи ва отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи манзили, паспортнинг серияси ва тартиб рақами битилган рўйхатни, ташаббускор гуруҳ йиғилишининг ваколатли вакил тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонун унинг номига расмийлаштирилган ишонч қозғони, депутатликка номзод кўрсатиш ҳусусидаги қарори ва баённомасини илова қилади.

Округ сайлов комиссияси ўзига тақдим этилган ҳужжатларнинг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқлигини аниқлайди ва улар қабул қилинган қонун эътиборан беш кун, такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтказилаётган тақдирда эса уч кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш ёки олмаслик юзасидан қарор чикаради. Агар гуруҳ рўйхатга олинган тўғрисида қарор қабул қилинса, унинг ваколатли вакилига тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномасини ҳамда имзо варақаларининг белгиланган намунадаги бланкалари берилади. Борди-ю, рўйхатга олиш рад этилса, округ сайлов комиссиясига асосланган жавоб қайтаради.

— Сайловчилар ташаббускор гуруҳи қасондан эътиборан имзо тўплашга киришиши мумкин?

— У ўз ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини жамлашга ҳақли. Бу санага қадар йиғилган имзолар ҳисобга олинмайди.

Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорда номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзоланган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

— Имзо варақалари қандай тўлдирилади?

— Шақлини Марказий сайлов комиссияси белгиланган имзо варақасида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотиинг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади.

Сайловчилар фақат битта депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёки ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда таваллуд топан куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортнинг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек, имзо чеккан санасини кўрсатади. Имзо варақасини сайловчилар ташаббускор гуруҳининг мазкур ишга масъул аъзоси, шунингдек, ваколатли вакили ўз шахсияти олд маълумотларни келтирган ҳолда тасдиқлайди.

— Сайловчилар имзосини тўплаш қаерларда амалга оширилади?

— Бу йомуш иш, хизмат, ўқш, яшаш жойида, сайлов олди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан таққилланган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

— Имзо тўплаш тамомланган, нима иш қилинади?

— Ваколатли вакил ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этади. Округ сайлов комиссияси уларнинг тўғри тўлдирилганини текшириб кўради ва беш кунлик мuddат ичида, такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтказилаётган тақдирда эса уч кунлик мuddат ичида тегишли баённомани Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида "Халқ сўзи" мухбири Абдунаби ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

СУРХОНДАРЁДА 84 КИЛОГРАММ ГЕРОИН ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси матбуот хизматида маълум қилишларига, Сурхондарё вилояти божхона бошқармасининг 16-ҳаракатдаги божхона постида Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилган тезкор тадбир натижасида Д.Ҳақимов бошқарувидаги "Москвич" автомашинасида 84 килограмм героин олиб кетилаётгани аниқланган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу "оқ ажал"нинг бозор нархи қарийб 3 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Дастлабки суриштирув чоғида автоулов юкхонасидан икки қолга жойлаштирилди, хиди атрофга тарқалмаслиги учун бир неча қават ялтироқ қозғоларга уралган героин чиққанида, ер чизиб қолган ҳайдовчи "бу юк меники эмас, манзилга етказиш учун пул ваъда қилишувди", дейишдан ўзга баҳона тополмади. Айтиш пайтда мазкур ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилиб, героиннинг асл эгалари қимлигини аниқлаш юзасидан тезкор қидирув ҳаракатлари бошланди. В.НОРБОВ, Ў.А. мухбири.

Суд бошқарувчилари ўқуви

Урганчада суд бошқарувчиларини ўқитиш курслари ташкил этилди. Менежерларнинг янги авлоди, корхоналар банкротлиги билан боғлиқ тадбиркорликни амалга оширадиган мутахассисларни тайёрлаш мақсадида ташкил этилган ушбу курсларда тингловчилар суд бошқаруви, бухгалтерия ҳисоби ва молия менежментлиги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштириш ва бошқа бир қатор масалалар бўйича билим оладилар.

Ушбу курсларда ўқитишни АҚШнинг халқаро ҳамкорлик агентлиги — USAID молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

Ўқув курсларида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сирдарё, Тошкент вилоятларида бўлғуси суд бошқарувчиларини ўқитиш режалаштирилган.

Ў. мухбиримиз.

Ҳомийларнинг "Дамас"лари

Избосканлик саҳоватпешалар — К. Тўхтабоев, Т. Қодиров, Ф. Сирожиқдинов ва К. Жўрабоевлар ўзаро маслаҳатлашиб, «Тез тиббий ёрдам маркази» шохобчасига тўртта "Дамас" олиб берадиган бўлишди. Энди туманда тиббий хизмат кўрсатиш даражаси янада яхшиланади.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.



"Хадикент" ширкат хўжалиги Янгиқўрган туманининг тоғли ҳудудида жойлашган. Асосан мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган ушбу хўжалик тассаруфидан минг гектардан зиёд экин майдони бор. Шундан 598 гектар галлазордан 49 центнердан ҳосил олинди. 360 гектардаги бог ва узумзорда эса айна пишиқчилик.

— Меҳнатимиз ўз самарасини бермоқда, — дейди ижарачи Шухрат Мирназаров. — Фалла ҳосилидан кўнглимиз тўлди. 116 гектарда парваришланаётган картошка ҳосили ҳам юқори бўлишига ишонч бор.

СУРАТДА: ижарачи Шухрат Мирназаров. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Яқинда Хитой Халқ Республикасининг Румчи шаҳрида "Буюк Ипак йўли" деб номланган Халқаро модлар фестивали ва санат ярмаркаси бўлиб ўтди.

«Буюк Ипак йўли» фестивали

Жаҳоннинг ўндан зиёд мамлакатларидан келган кийим ишлаб чиқариш билан шугулланувчи компаниялар қатнашган ушбу тадбирда юртдошларимиз ҳам иштирок этидилар. Тошкент тўқимачилик ва енгил санат институтининг "Мода театри" намойиш этган ва табиий матолардан тикилган кийимлар барчага манзур бўлди ва биринчи даража диплом билан тақдирланди. М. ТОҶИЕВА.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шундай. Алмисокдан қолган гоёларни дастак қилиб бугун бир тўда боши бузуқ манқурларнигина чапга-тиш мумкин. Халқнинг чапга-тиш бўлмади. Президент Ислам Каримов кунчи кеча журналистлар билан учрашганда халифачилик борасида кескин, асосли фикрларни ўртага қўйди. Соддалик ё нодонликдир, ким нима деса дер, аммо х а л ф а ч и л и к гоёси тўғрисида сўз кетганда шахсан менинг кулгим келди. Нахотки, йигирма биринчи аср одами бундай сафсаталарга ишонса?! Ёш болани олабўжи билан қўриқтадилар. Шу сингари бир нўпўса эмасми бу? Мусулмон оламида халифачиликка эҳтиёж бўлса, ўнлаб асрлардан буён бу иш нега амалга оширилмади? Яна айтаверсак, дини ислом илк бор тарқалган араб мамлакатларию ислом давлатлари туриб, бу гоёни айнан дунёвий тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистонда қўллаш нега зарур бўлиб қолди экан? Кимдан сўраб? Замонавий жамият неъматларидан баҳраманд, кўзи очик халқимиз бунга рози бўлармикан? Жаҳон жамоатчилиги индамай қараб турадими бу ҳолга?! Қолаверса, гайрикунуний бу жиноий тўдани халқ эътироф этадими?! Бу гаплар бориб

турган афсона, чўпқакдир! Шу чўпқакка ўлимдан ҳам ҳазар қилмайдиган анови кафангадоларнинг ўзи ишонармикан? Келинг, содда бўлмайлик... Бешиқдаги боланинг ҳам эмаклаган ганими бор, дейдилар. Албатта, давлат бўлганидан кейин унинг ошқора ё линҳона рақиблари ҳам, унга қарши тиш

қолади. Ёшлиқда, аёнки, жон жасадаг сифмайди, одам ўзини қаёққа кўярини билмайди, элни ўйлаш, эртани ўйлаш масъулиятини хали шаклланиб улгурмаган бўлади. Бу ёқда — бекорчилик. Бекорчининг қилар амали эса маълум. Боз устига, биз — катталарнинг нуқсонни, йўл кўйган камчилик-

растлигимиз. Қаранг, фалокат юз бериб, биров жигаридан айрилди, биров ноғохон ўлим топди. Фақат биз эмас. Биз омон қолдик. Аммо бундай қабохат яна такрорланмайди деб ким айта олади? Одам — ҳодис, олам — ҳодис. Ёнғин чиққан жойда албатта унинг чўғи қолади. Ёлғиз ўзимиз-

касби илоннинг" деганларидек, номард, гирром пайт пойлайди. Энг масъулиятли дамда энг нозик жойларингизни мўлжалга олиб ҳамла қилади. Бу гал ҳам нобахорлар айнан шундай усулни қўллади. Мамлакат истиклол байрамига, Ватан шодиёнасига ҳозирлик кўраётган кунларда ошга оғу

ТОМОШАБИНАЛИК ТЕАТРДА ЯРАШАДИ

қайраб юрган ҳар хил кучлар ҳам топилади. Бундай кучларни зимдан қўллайдиган турли мўлақот ва ҳатто давлатлар йўқ дейсизми?! Уларнинг асл мuddаси ҳам ҳазилакам эмас: мустақил мамлакат ва унинг раҳбариятини обрўсизлантириб, эл кўнглида ялли норозилик кайфиятини ўйғотиш ва шу тариха ҳокимият тизгинини ўзининг таъсир доирасига тортиш! Иштаха чакқимас-ку, жаноблар! Бу йўлда қўлланадиган никоблар, хийланайрангу маккорона усулларнинг ҳад-ҳисобсизлигини айтинг! Улар гоҳида шу қадар ишонарли, шу қадар жозибадор бўладики, жамиятнинг унча-мунча қисми, аввало, унинг нисбатан гўр тоифаси бўлмиш ёшлар лаққа тушганини ўзи ҳам билмай

лари ёшларда қалтис хато тарзида акс садо беради. Демак, биз муҳим бир нимани назардан қочирган, уларнинг кўнглини топа олмаган эканмиз. Таасуфки, кимлардир топган чиқди бунди! Лекин шу гумроҳлар ҳам тоғу доvon ошиб келган еттиёт бегона эмас, ўзимизнинг фарзандларимиз! Уларнинг кирдикорига бефарқ қараш, томошабин бўлиб туриш жамиятимизнинг парчаланишига, асрлар бўйи орзу қилиб кўлга киритган истиқлолни миз асосларига дарз кетишига, ала-оқибат келажатимиз барбод бўлишига олиб келишни англамоқ учун ажабтовур бир доно ёки ўткир сиёсатчи бўлиш шарт эмасдир. Бу қадар бефарқлиқнинг асосий сабаби эса — сизу бизнинг худбинлигимиз, худпа-

нинг осойишталигимиз, ҳузур-ҳаловатимизни ўйлаб юраверсак, эртага бу бало, ўзимизни ҳам барбод қилмаслигимизга кафолат борми?! Ватан ўзимизники, эл ўзимизники, истиклол ўзимизники. Буларнинг осойишталигини, барқарорлигини сақлаш ҳам ўзимизнинг қўлимизда. Турли халқро битим, шартнома, ҳамкорлик ҳаракатларига қўшилиганимиз яхши, албатта. Лекин биров четдан келиб юртимизни қўриқлаб, осойишталик ўрнатиб бермайди. Айниқса, юртга ҳар турли "тахрир"у "қонда"чилар, ўзимиздан чиққан "лашкар"у "жиходчи"лар хавф солаётган кезларда худбинлик никобини юзга тортиб, бир четда билкиниб туриш жиноятдан кам эмасдир.

"Заҳар сочмоқ эмиш қўшиб, маъракани бузмокчи бўлди. Юрт яна ларзага тушди. Хўш, бундай маъракабузарлик билан нимани исботламоқчи эдию нимага эришди ул шумуниятлар? "Ҳаммаси халқнинг шўрига" дейди авом. Тўғри айтади. Биз ҳам ушбу хатбошидаги сатрининг давомини илова қилмоққа мажбурмиз: "Зулм аждарлари озори жоннинг..." Умид билан, нек ниятлар билан уй тиклаган одам унинг омонлиги шикаст-рехтига ҳам масъулдир. Ана шу бошпанада фақат ҳузур-ҳаловатни кўзламай, уни бемаҳал чангу тўзондан, балою офатлардан асрамоқ тавишини ҳам қилади. Демак, оғоҳ бўлади, сергақ яшайди. Президентимиз Ислам Каримовнинг сабата-кичик минбарлардаги нутқ ва маъруза-

нинг бошида турган сарбонга ёки уни мадҳ этиб шеърлар битадиган шоир шу рогагина эмас, ҳар бир фуқарога, қолаверса, шу Ватан наъшу намосидан мўл-кўл - баҳраманд бўлатуриб, гоҳида оддий одамларнинг арз-додини писанд этмай, худбинларча даврон суриб юрган катта-кичик айрим тўраларга ҳам керакдир! Юртга ғаламис оралаганда, юрт бошига иш тушганда бир четда қўл қовуштириб, томошабин бўлиб туриш мардининг иши эмас. Инсонман, мусулмонман деганининг амали эмас. Томошабинлик тўй-тантанада ёки театрда ярашади. Юртнинг эса синов ва синокли кунлари ҳам бор!

Эркин АЪЗАМ.

Жорий йилнинг 30 июль куни мамлакатимизда содир этилган террорчилик ҳаракатлари хорижда ҳамдардлик хисларини уйғотмоқда. Кўплаб давлатлардан келаётган мактубларда тинчлик ва барқарорликка қарши қаратилган жиноий ҳаракатлар кескин қораланган.

Туркия Республикаси Президенти Аҳмед Север Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига йўллаган мактубида терроризмга қарши курашда катта талофатларга учраган турк халқи Тошкентдаги террорчилик ҳаракатларини қоралаётганини қайд этган.

Туркия бош вазири Режеб Эрдоган жиноий ҳаракатларни қоралаб, шу кунларда турк халқи Ўзбек халқи билан бирга эканини билдирган.

— Тошкентдаги террорчилик ҳаракатлари

Дунё терроризмни қораламоқда

ри ҳақидаги хабар мени чуқур ларзага солди, — деб ёзади Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев давлатимиз раҳбарига йўллаган мактубида. — Шу кунларда қирғизистонликлар қардош Ўзбекистон халқи билан бирга самимий қайғуроқдалар ва шафқатсиз зўравонлик ҳаракатларини қораламоқдалар.

Қирғизистон халқаро ҳамжамиятнинг халқаро терроризм ва экстремизмнинг барча қўриқчиларига қарши курашдаги муштарак саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдаги қатъиятини тасдиқлайди.

АҚШ Давлат котибининг ёрдамчиси Элизабет Жонс ўз мактубида қуйидагиларни таъкид-

лаган: "Биз террорчилик ҳаракатларини кескин қоралаймиз. Терроризмга қарши турган барча давлатларга қаратилган ушбу зарба зўравонлик воситасидаги бузғунчи мақсадларни ўзида жам этган.

Бутун дунё Ўзбекистон терроризмга қай даражада қарши тураётганини диққат

билан кузатмоқда. Ўзбекистоннинг ушбу ёвузликка ҳам жавоби қатъий бўлишига ишонаман".

Япония ҳукумати номидан ташқи ишлар вазири Ёрико Кавагучи Тошкентдаги зўравонлик ҳаракатларини қоралади ва фожиа қурбонлари яқинларига ҳамдардлик билдирди.

"Бундай террорчилик ҳаракатларига йўл қўйиб бўлмайди ва уларни оқлаш учун ҳеч қандай сабаб йўқ", деди вазир.

"Жаҳон" АА.

Кема Меркурийга йўл солди

НАСА ходимлари «Мессенжер» деб номланувчи космик кемани самого муваффақиятли учирдилар. Кема Кўёш сайёрасига энг яқин сайёра — Меркурийга йўл олди. «Мессенжер» 2011 йилда ўз манзилга етиб олишига қадар 7,9 миллиард километр масофани босиб ўтиши керак.

Мутахассислар бу парвозга ўттиз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида тайёргарлик кўрдилар. Кема Меркурийда тадқиқотлар ўтказди, Ерга суратлар юбориш билан шуғулланади.

Маълумот тасдиқланмасида...

«Жейнс» журналида босилиб чиққан мақолада ай-тилишича, Шимолий Корея АҚШ ҳудудига қадаб етиб бора оладиган баллистик ракета устида иш олиб бормоқда. Манбада келтирилишича, ракета кема ёки сувости кемасидан учурилиши мумкин. Мақолада собиқ совет даврида яратилган ракеталардан кўчирма олинганлиги таъкидланади.

Журнал таҳририяти бу маълумот қаердан олинганлигини расмий вакили тасдиқламаган.

Разведка маълумотлари асосида

Буёқ Британия полицияси Лондон ва учта графликда оммавий ақсилтеррор операциясини амалга ошириш чоғида ўн уч кишини қамоққа олди. Ҳозирча уларнинг шахси ошкор этилганча йўқ. Улар террорчилик уюштришига тайёргарлик кўраётганликда айбланмоқда.

Полиция вакили ҳибсга олишлар разведка маълумотларига таянган ҳолда амалга оширилганлигини таъкидлади.

Компания жаримага тортилди

Америка компанияларидан бири Halliburton суд қарорига мувофиқ 7,5 миллион доллар жарима тўлайдиган бўлди. Бунга компаниянинг солиқ идораларини оғохлантирмасдан 1998 йилда бухгалтерия ҳисоботи-га ўзгартириш киритиши сабаб бўлди. Шунинг ҳам эслатиб ўтиш жоизки, АҚШ вице-президенти Дик Чейни айти пайтада Halliburtonнинг ҳам раҳбаридир.

Комиссия вакилининг сўзларига қараганда, Halliburton ўтган давр мобайнида компания даромадини яшириб келган.

Уч-тўрт йил олдинги ахборот

АҚШ Миллий хавфсизлик бошқармаси раҳбари Том Риж Нью-Йорк, Вашингтон ва Ньюарк шаҳарларида қўшимча хавфсизлик чораларини кучайтириш лозимлигини билдирди. Бошқарма «Ал-Қоида» режалари тўғрисида олинган маълумотлар таҳлилдидан кейин ана шундай қарорга келди.

Утган якшанба куни АҚШда «Ал-Қоида» янги террорчиликларни амалга оширишига тайёргарлик кўрмоқда, деган хабар тарқалганди. Ҳозирда баъзи бир расмий вакилларнинг айтишича, бу бундан уч-тўрт йил аввалги маълумотлардир.

Ёнғин оқибатлари ўрганилмоқда

Парагвай пойтахтидаги «Икуа Болянос» савдо марказида ёнғин чиққанлиги тўғрисида олдин хабар қилгандик. El Universal газетаси хабар тарқатишича, ёнғин оқибатида қурбон бўлганлар сони 462 нафарни ташкил этди. Шуллардан 325 нафарнинг шахси аниқланди. 409 нафар жароҳатланганлар айти пайтада шифохонага жойлаштирилди.

Парагвай прокуратураси мазкур фожиа сабабларини ўрганимоқда. Ҳозирда қасддан қотиллик уюштирилганликда айбланиб, етти киши қамоққа олинди. Булар савдо маркази эгаси Хуан Лео Пайва, унинг ўғли ва мажмуининг беш қўриқчисидир.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Японияда динозавр бўлганми?

Япония археологларининг маълум қилишича, япониялик бир сайёх бундан 78 миллион йил олдин яшаб ўтган динозавр қолдиқларини топган. Тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, динозаврнинг оғирлиги тўрт тонна, бўйи 9 метрлар атрофида бўлган экан.

Японияда динозавр қолдиқлари биринчи бор топилди.

Укаси айбланди, акаси қўлга тушди

Бразилияда муҳолифатчилар мамлакат Марказий банки раҳбари Энрике Мейрелеснинг истеъфосига чиқишини талаб қилишмоқда. У ўтган йили октябрь ойида ўзининг хусусий фирмасига асос солганди. Муҳолифатчилар фирманинг тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилмаганликда ва унинг даромаддан солиқ тўламаганликда айбланмоқда.

Айти пайтада банк раҳбарининг туғишган акаси аэропордда қўлга олинди.

Б. МУҲАММАДИЕВ.

«Қора олтин» нега қимматлашмаяпти?

Нефть ўзининг олтинлигини исботламоқда. Утган куни Нью-Йорк биржасида яна янги рекорд ўрнатилди, бир баррель нефтнинг нархи 44,42 долларни ташкил этди. Кўпчиликда транспорт томирининг «қони» нима сабабли бундай тез қимматлашмаяпти, деган савол туғилиши табиий.

Буни мутахассислар АҚШ ҳукуматининг мамлакатда террорчиликлар хавфи кучаяётгани ҳақидаги баёнотлари ва катта нефть захираларига эга бўлган Ироқда ҳамда умуман, Яқин Шарқда бугунги кундаги вазият билан изоҳлашмоқда. Бу маълумотларга нефть ишлаб чиқариш қувватининг етишмаслиги ва Россиянинг ЮКОС компанияси келажакнинг ноаниқлигини ҳам қўшиш ўринли бўлади.

«Қора олтин»нинг Нью-Йорк товар биржасида бундай ўсишига Ироқда-

ниг йирик нефть қартели — ОПЕК президенти Пурномо Огсианторо ҳам ҳозир нефтнинг нархи «ақл бовар қилмайди» катта нефть қилинидаги қатта нефть ишлаб чиқариш корхоналарининг маҳсулотини Туркиянинг Жайхун термини билан боғлайди.

Айти пайтада истеъмолчилар нефтнинг нархини пайкайтиришдан манфаатдор, албатта. Улар «қора олтин»ни хорижда сотувчилар махсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришса, унинг баҳоси пасаяди, деган умиддалар. Жаҳон


фақат шу ойнанинг охиридагина ваъдасининг устидан чиқиши мумкин.

Хўш, нефтнинг нархи қачон пасаяди? Бу борада мутахассислар фикри қандай?

ABN Amro банкнинг эксперти Жон Брейди нефтнинг баҳоси АҚШда террорчилик хавфи туфайли яна бирмунча вақт мана шу даражада сақланиб қолади, деган фикрда. Mitsubishi корпорациясининг мутахассиси Тони Нуна эса келажакка умид билан қарамоқда. Унинг айтишича, махсулотнинг қимматлашиши унинг камроқ истеъмол қилинишига олиб келади. Натижада нефтнинг нархи пасаяди.

Нефтнинг нархи сўнгги кунларда Нью-Йорк биржасида бироз пасайиши ҳам истеъмолчиларга озгина бўлса-да яхши кайфият бағишлаши мумкин. Аммо бу қачонгача бўлиши ҳозирча номаълум.

Д. САЛИМ.



Днестрбўйида «булутлар»

Днестрбўйи ҳукумати Молдова билан темир йўл алоқасини батамом тўхтати. Бендера шаҳридан ўтган темир йўлак устига тўсиқлар қўйилиб, қуролланган кўриқловчилар тайинланди.

Эндиликда молдоваликлар МДХ давлатлари-га сафар қилиш учун Днестрбўйини четлаб ўтишга мажбур бўладилар.

«Молдова темир йўллари» бош директори Мирон Гагаузининг Днестрбўйи ҳамкасблари билан бундай чораларни юмшатиб, ҳеч бўлмаганда, Кишинёвни Москва, Санкт-Петербург, Киев билан боғлайдиган ҳамда Москва-София, Москва-Варна поездларини худуддан ўтказиш бўйича музокара-лари ҳам бесафар туғди. Натижада поездлар Молдованинг шимолида жойлашган Окница станцияси орқали ўтишга мажбур. Аммо бу бекатнинг поездларини ўтказиш имконияти кам. Шунинг учун станцияда поездларнинг тўпланиб қолиши аниқ.

Днестрбўйи аҳолиси эса қариб, ташқи темир йўл алоқасини қолди. Бу-

гимтиёзларни бекор қилди ва худуддаги корхоналарга товарнинг келиб чиқиши ҳақида сертификатлар бериш ҳамда экспорт ҳужжатларини расмийлаштиришни тўхтатди. Шундай йўл билан Молдова ҳукумати Тирасполни молдаван мактабларини ёпишни бекор қилишга мажбур қилишмоқчи. Бунга жавобан Днестрбўйи ҳукумати темир йўл алоқасини тўхтатди.


Днестрбўйи масаласини ҳал этиш бўйича музокара-ларда воситачилар қилаётган — Россия, Украина ва ЕХТТ Тирасполнинг молдаван мактабларини ёпишни қоралади ҳамда томонларни вужудга келган ҳолатни барта-раф этиш учун музокара-лар бошлашга чақирди. Мана шундай фикрлар АҚШ, Европа Иттифоқи ва Руминия ҳукуматлари вакилларининг Днестрбўйи масаласи бўйича чиқишларида ҳам қайд этилди.

Расмий Москва вазиятнинг аланга олиб кетишининг олдини олиш ва уни юмшатиш учун аниқ таклифлар билан чиқди. Россия Ташқи ишлар вазири-лиги Днестрбўйи ҳукумати худуддаги молдаван мактаблари бўйича масалани босқичлик билан ҳал этиши, томонлар эса иқтисодий санкциялардан воз кечиши кераклигини айтмоқда. Шунингдек, Россия томонлар вазият-ни юмшатиш учун ўзларини қониқтирадиган йўллари излаш мақсадида зудлик билан музокара-лар бошлашлари зарурлигини таъкидлаётди.

Молдова ҳукумати Тирасполь «мактаб муаммоси» бўйича воситачилар тайёрлаган таклифларни маълум қилди. Шу билан бирга, Кишинёв ҳар қандай иқтисодий санкциялардан воз кечи-шини билдирди.

Воситачилар Тирасполдан ҳам боши берк кўчадан чиқиш йўлидаги ҳаракатларини фаоллаштириш-ни кутишмоқда.

САЛИМ ДОНИЕРОВ.



«GARANT MEБEL» МЧЖ
мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлири учун мебелларни арзон нархларда тақлиф этади.

50 800 сўм
59 000 сўм
45 000 сўм
53 000 сўм

Тўлов шакли — турлича
Махсулот сертифициланган

Улгуржи харидорларга чегирмалар берилади.
Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17.
Факс: 152-21-82.

«УЗТРАНСГАЗ» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқувчи Ўзбекистон Республикасидаги табиий газнинг улгуржи истеъмолчилари бўлган ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ЎЗТРАНСГАЗ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
шунинг маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йил 27 июлда тасдиқлаган № 19-03-РҮ-61-2004 й. нархлар преysурантига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган газнинг баҳоси 2004 йил 1 августдан бошлаб қўшимча қиймат солиқи билан 1000 куб метр газ учун 31500 сўм миқдоридан белгиланди.

GSM UZDUNROBITA first cellular

Мустақиллик байрамига бағишлаб, Уздунробита компанияси 1 августдан 10 сентябргача «Уздунробита GSM» тармоғига уланган барча абонентларга SIM КАРТАЛАРНИ БЕПУЛ тақдим этади!

GSM 16k UZDUNROBITA первая сотовая

ДОИМИЙ ТАРАҚҚИЁТТА ҚЎШИЛИНГ!

«Hola Paraguay» (Парагвай), «Saudi Telecom» (Саудия Арабистон), «Aycell» (Туркия), «Cosmofon» (Македония) ва «DIGI» (Малайзия) компаниялари тармоғида халқаро роуминг очилди.

«Уздунробита GSM» тармоғининг навбатдаги кенгайиши! Янги GSM тармоғи Фарғона вилоятининг Бешариқ ва Яйпан шаҳарларида ишга тушди.

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz
Хизматлар лицензияланган

Мамлакатимизда амал қилаётган қонун устуворлиги тамойили, ҳар бир соҳа сингари, бевосита тилга ҳам тегишлидир. Бу йил она тилимизга давлат тили мақоми берилганига, «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганига 15 йил бўлди. Бу умумхалқ байрами сифатида нишонласа арзийдиган тарихий саналардан биридир.

ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг устувор мақоми бугун қай аҳволда? Уни амалга оширишнинг давлат дастури қай даражада бажаришмоқда? Қонуннинг ҳар бир моддаси ва банди амалда ишлайётгани ёки ишламаётгани? Афкор оммага манусуб ҳар бир фуқаро жамияти қонунилар ичра тенг «Давлат тили ҳақида»ги Қонун мавқудлигини билдириши, уни моддама-модда жиҳиди ўрганиб чиққанми, унга риоя этадими, унинг ҳаётга таъбиқ этилишига имкон қадар ҳаракат қилидими? Қонун қабул қилинганига 15 йил тўлиши олдидан ана шу каби бир қатор долзарб муаммолар асосида сарҳисоб ўтказиш ўрнили бўлади. Негаки, булар кенг халқ оммаси ҳукуий маданиятининг муайян бир қиррасини намоян эътибордан кўрсатишларидир.

Дарвоқе, «улов» — «автомобиль», «нозимхона» — «диспетчер» атамасига мўқобил бўлолмайди. Бугун тилимизда кўпайиб кетган бундай топилмаларга ҳам қўйсан, ҳам қўласан, киши...

ди» демакдир. У зуллисонан ибора бўлиб, бундай иборалар тилимизнинг ўзига хос бойлигидир. Муаллифнинг ўзи хулоса қилганидек, «ҳар қандай тил бошқа тилдан қириб келган сўзлар билан муттасил бой...

Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоралари ва нормаларига риоя этилади. Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан, уни ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди.

«БАНКЕТНЫЙ ЗАЛ «ШАРК»», расположенный в центре города, принимает заявки на проведение коллективных праздничных банкетов, презентаций, свадеб, плов.



Наш адрес: г. Ташкент, ул. Матбуотчилар, 32. Ориентир — сквер Амира Темура.

Форма оплаты — любая. Тел.: 136-55-33, 136-53-33.

В зале работают кондиционеры.

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ. Улгуржи нархлар. Хар доим Тошкентдаги омбордан.



Телефон 134-48-11

Нусратулло ЖУМАХУЖА, филология фанлари доктори.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тажриб хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО (масъул котиб — «Народное слово»), М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. САФАРОВ, И. УЎБОСАРОВ, А. ХАЙДАРОВ, Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92. Иқтисодий — 136-36-65; 132-10-65. Маълумот ва маърифат — 136-35-60; Газетчилик билан алоқа ва мунтақалар — 133-52-55; Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17; Янгиликлар ва халқро қайт — 132-11-15; 132-12-08. Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 968, 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Қоғоз бичими А — 2. Офсет усулида босилган.

Газета таҳририят компьютер базисидан тартиб ҳама операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва Б. ФИЛАЗИЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. Орпиров. Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов. Навбатчи — Ҳ. Раупов, Мусахқич — М. Ёқубова.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

ЎЗ А Яқини — 20.40. Топшириди — 21.20.

1 3 4 5 6



2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

— Музаффар тоғам телефон қилдилар, — деди қизим. — Соат тўрт яримларда бораркансиз, бир пайла чой ичиб келаркансиз!

Берилаётганини ўша «бир пайла чой» Тўй-маъракалари йўқ. Тўғилган кун... йўқ, бу хонадонда ҳеч ким май ойида тўғилмаган. Бориб кўрганимда ҳам ҳеч нарсани англамадим. Хатм қилинганга десам, дастурхон атрофини тўлдириб ўтирган меҳмонларнинг ичиди мулланамо киши йўқ. Гап-сўзларидан уларнинг ҳам бугунги зиёфат боисини билмасликлари сезилиб турибди.

Нихоят, мезбон келиб, пойгакка тиз чўқди-да «сир»ни очди. Булар — кўчилиригимиз, — деди Музаффар менга қараб. — Лекин, ростки, кўчиб келганимизга анча вақт бўлган бўлса ҳам хали бир-биримизни ахшироқ таниб-билиб олганимизча йўқ. Чунки... нима десамкин... ҳамма ўз тирикчилиги билан овора. Кириди-кириди йўқ ҳисоби. Ахир, биз — ўзбекларимиз-ку! Яна маҳал-ла-да яшаймиз-а!

Музаффарнинг давлати

Бошига солмасин. Тасаввур қилинг: бийдек дала, изғирин қор уриб турибди, бир тутам похол топиш учун қўлиниги бир неча бор қорга тикасиз. Чаланирок бир ўртоғини «гўрсўхта» қўйлари ҳам, уларни йўқотган «овсар»ни ҳам сўкиб юборган эди, Музаффар уэр сўрашга тушди: — Биламан, сизларни анча қийнаб қўйдим. Лекин, эрта-индин қўйлари эгаси сўкиб, раҳмат айтганида ҳаммаси эсларингдан чиқиб кетади...

Бир кун Музаффар ишхонага ҳовлиқиб кириб келди. Музаффарнинг уйига «участкавий» борибди ва «қўйлари эгаси чикса, шу пайтгача чикарди, ра-аз, чикмадими, келинг, энди ўзингизни қийнаманг, қўй сизники» дебди.

Музаффар рад маъносидан бош чайкабди. Эртаси кун эса атрофдагиларни лол қолдириб қўйлари Гуллистон туман ҳўжаликлари...

Музаффарнинг уйига «участкавий» борибди ва «қўйлари эгаси чикса, шу пайтгача чикарди, ра-аз, чикмадими, келинг, энди ўзингизни қийнаманг, қўй сизники» дебди.

арим коса шўрва чиқармай-дими! Мен сўхбатни айнан ана шу ҳадисдан бошладим...

Узаро сўхбат учун мавзу кўп. Аммо, шундай мавзулар бўладики, энг камгап сўхбатдошни ҳам бўлбугўйга айлантириб юборди. Меҳр-оқибат худди мана шундай — инсон қалбининг нозик торларини чертадиган мавзу. Шу боис боғина жим ўтирган қўшиллар ўн дақиқа ўтар-ўтмас қизгин мусохабага киришиб кетганларида мутлақо ажабланмадим.

Хар ҳафта биронта мизниқиди тўпганиб, шунақа сўхбатлашиб турилик! — Тўғри, фақат бу ким-ўзарга қилинадиган гап-гапга айланиб кетмасин-да! Бир пайла чой устида сўхбат дейдилар-ку!

— Аёлларимиз ҳам борди-келиди қилишим! — Болаларимиз-чи? Улар ҳам бир-биримизникига бориб-келишим! Шунда бир-бирларига меҳрли бўлишадилар!

Бурчакда ўтирган мўйловли йигит «теша тегмаган» тақлиф қиритди: — Тансиқ оварта қилган кунимиз қозон-позони билан кўтариб чиқиб, биронта қўшиникида ейишимиз керак!

Хамма кулиб юборди, аммо, бу маъқулловчи, самимий кулги эди... Музаффарни зимдан кузатарканман, беҳитёр бир ҳўрамзининг гапи ёдимга тушди: «Музаффар ўтишудли йигит-у бойлик тўғлай демейди. Каталакдек ҳовлида ўтирибди».

Мен ўшанда бу гапга қўшилгандим, ҳозир эса қойибона рад эдим: «Йўқ, дўстим, Музаффар сиз-у биз ўйлагандан бойроқ. Меҳрибон завҳаси-ю, ўзи каби саховатпеша фарзандлари унинг бойлиги эди. Бугун бу бойликча яна бойлик қўшилди. Ахир, бири акасинга, бири укасига айланган мана бу инсонлар ҳам бебаҳо давлат эмасми!»

Мухторали НОСИРОВ.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача. 133-10-65.

Katris ФИРМАСИ МЕБЕЛЬ



ИШЛАБ ЧИКАРАДИ ВА СОТАДИ. Мебель олсан «Katris»дан, розат қилсан дилдан. Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади! Ташиқот ва корхоналар раҳбарлари диққатига! ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қиладилар ва сотади. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалик махсулотлари эвазига автомобиль етказиб беришни тақлиф қиладилар. Мўлоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62; Наманганда: (36944) 22-35-9, (99897) 104-25-86.

«ВОЛГА» автомобиллари «ГАЗЕЛЬ» сотилади

«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омбордан ГАЗ-31105, ГАЗ-3102, ВАЗ-2107 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини тақлиф этади. Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган. 191-03-80, 191-10-43.

Хўрматли юртдошлар! «ЎЗТЕМИРЎЙЎЛОВЧИ» ОАЖ сиз ва дўстларингиз дидига мос келадиган дам олишни тақлиф этади. «Соқол», «Кристалл» пансионатлари, Чорбўғ, Хумсон, «Илган», «Белдерсой» туристик мажмуалари — тоғ бағрида дам олиш. Ўзбекистоннинг санаторий ва дам олиш уйлари — даволаниш ва дам олиш. Самарқанд, Бўхоро — автобус ёки поездда бир ва икки кунлик экскурсия сафарлари. Иссиқкўл — тоғда жойлаган кўл қирғоғида эсда қоладиган дам олиш. Турлар: Миср: Хургада, Шарм-ал-Шайх — Қизил денгиз қирғоғида дам олиш; Карлови Вари (Чехия) — дам олиш ва даволаниш; Туркия — денгиз қирғоғида дам олиш, керакли моллар харид қилиш. Хизматлар лицензияланган (лицензия №189-01) ва сертификатланган. Туризм бўлими. Телефонимиз: 199-71-83, факс: 136-46-39. E-mail: uzjeldorpass@infonet.uz